

Навоий шаҳар

Навоий вилояти адлия бошқармасидан Давлат руйхатидан ўтказилган Устав асосида фаолият кўрсатаётган "Навоий савдо комплекси" акциядорлик жамияти, (кейинги ўринларда – хизматлар кўрсатувчи ) деб аталади, жамият Бош директори А.А.Турсунов бир томондан ва фуқаро Виллоят Курбанов кейинги ўринда "Хизматлардан фойдаланувчи" деб аталади иккинчи томондан, ўзаро манфаатли шартлар асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли ва Навоий вилояти ҳокимининг 2019 йил 08 февралдаги К-24-сонли Қарорларига мувофиқ мазкур шартномани тузамиш.

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.**

1.1 "Хизматлар кўрсатувчи", "Хизматлардан фойдаланувчи"га Навоий вилоят ҳокимининг "08" 02 2019 йилдаги № К24 сонли қарорининг иловасига мувофиқ мажбурий инфратузилма хизматларини кўрсатади, "Хизматлардан фойдаланувчи" ўз навбатида "Навоий савдо комплекси" ҳудудида жойлашган 55,66 метр квадратдан иборат кўчмас мулк объектнинг эгаллаган ер майдонидан келиб чиқиб белгиланган миқдорда кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлайди.

1.2 Кўчмас мулк объектнинг тартиб рақами № 20 жойлашуви атроқор белгиланади.

**2. ХИЗМАТЛАР ҲАҚИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ.**

2.1 Кўрсатилган хизматлар ҳақи оддиндан 100 фоиз миқдорда, шартнома тузилган ойнанг биринчи беш кунлиги мобайнида, "Хизматлар кўрсатувчи"нинг шахсий ҳисоб рақамига нақд пул ёки пул кўчириш йўли билан "Хизматлардан фойдаланувчи" томонидан амалга оширилиши шарт. Қолган ойлар учун тўловлар ҳар ойнинг 10 (ўнинчи) санасига қадар нақд пул ёки пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Хизматлар ҳақини амалга оширилган кун бўлиб хизматлар учун тўловлар "Хизматлар кўрсатувчи"нинг ҳисоб рақамига амалда келиб тушган кундан ҳисобланади.

2.2 Кўрсатиладиган хизматлар ҳақи бир ой учун 445 280 сўмни бир йиллик сўммаси 5 343 360 сўмни ташкил этади.

2.3 Шартноманинг умумий сўммаси: 5 343 360 сўмни ташкил этади. "Хизматлар кўрсатувчи" хизматлар ҳақи миқдорини бир тарафлама ва нисосиз тартибда ўзгартириш ҳуқуқига эга, бунда хизматлар ҳақининг янги миқдорини белгилашга ҳудудий вилоят ҳокимининг қарори асос бўлиб хизмат қилади ва бу жараён томонлар ўртасида тузиладиган қўшимча келишув орқали расмийлаштирилади.

2.4 "Хизматлардан фойдаланувчи" қўшимча келишув расмийлаштиришни ўз вақтида амалга оширмаса ёки очиқдан-очиқ бош тортган ҳолларда, "Хизматлар кўрсатувчи" вилоят ҳокимининг амалдаги қарори асосида хизматлар ҳақи миқдорининг оширилган қийматида тўлов ундириш ҳуқуқига эга бўлади.

2.5 Хизматлар ҳақи "Хизматлардан фойдаланувчи" томонидан ўз вақтида тўланмаган тақдирда, "Хизматлар кўрсатувчи" (сўзсиз) акцептсиз тартибда "Хизматлардан фойдаланувчи" нинг барча ҳисоб рақамидан ушбу маблағни ундириб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда тўланмаган хизматлар ҳақи миқдорини ундириб олиш учун "Хизматлардан фойдаланувчи"га хизмат кўрсатувчи банкга, мазкур шартнома ҳамда хизматлар ҳақи тўловларидан қарздорлиги ҳақидаги "Хизматлар кўрсатувчи" нинг бухгалтерия хизматининг маълумотномаси нуسخаси етарли асос бўлиб ҳисобланади.

**3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

3.1. "Хизматлар кўрсатувчи" нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

3.1.1 "Хизматлардан фойдаланувчи" га мажбур имкониятлар асосида коммунал хизматлар кўрсатиш (бунда дўкон атрофини кунлик тозаланиши назорат қилини).

3.1.2 "Хизматлар кўрсатувчи"нинг назоратчи ходимлари томонидан "Хизматлардан фойдаланувчи"нинг ички молиявий ҳўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда мазкур шартнома мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш, шунингдек "Хизматлардан фойдаланувчи" томонидан шартнома шартлари бузилганлиги ҳолати аниқланган тақдирда "Хизматлар кўрсатувчи" нинг ваколатли вакиллари томонида тузилган далолатнома асосида бузилган ҳуқуқлар ва уни бартараф қилиш юзасидан тақдирнома кириштиш.

3.1.3 Жамият ҳудудида савдо фаолиятини олиб бориш тартиби, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва этика-эстетика ҳақида тушинтиришлар ҳамда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб боради; шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир қилувчи қарорлари ҳақида хабардор қилиш, ижарага олувчининг ёзма мурожатларини 15 (ун беш) кунлик муддатда қуриб чиқиш; хизматлар ҳақи тўланганлиги ҳақидаги тўлов топшириқномалари ва витанцияларни эса дарҳол таккослаш йўли билан қуриб чиқиш.

**4.1. "Хизматлардан фойдаланувчи"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

- Савдо комплекси маъмуриятдан комплекснинг иш тартиби ва режаси бўйича зарур тушинтиришлар олиш;
- Савдо комплекси томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлардан фойдаланиш;
- Савдо комплекси фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;
- Хизматлар ҳақи тўловларини ўз вақтида тўлик тўлаш;
- Хизматлар кўрсатувчи ва тегишли давлат органларига авария ёки ижара объекти ҳамда унга яқин бўлган объектларга зарар етказиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар ҳақида зудлик билан ёзма равишда хабар бериш ҳамда зарарни олдини олишнинг барча чораларини қўриш;
- Мазкур шартнома тузилганидан сунг, "Хизматлардан фойдаланувчи" 3 (уч ) календарь кун ичида ўз кўчмас мулк объектда электр энергиясидан фойдаланиш билан боғлиқ алоҳида шартнома расмийлаштиради.
- Кўчмас мулк объектини электр энергия ва ёнгин хавфсизлиги, санитария-эпидемия ҳолати ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларига жавоб берадиган ҳолатда сақлаш ҳамда тегишли давлат назорати органлари олдида ижара объектини техник ҳолати юзасидан жавобгар бўлади.

**5. "Хизматлардан фойдаланувчи" савдо комплекси ҳудудида қўйидагиларга мажбур:**

- 5.1 Савдо фаолиятини амалга ошириш давомида ўзи билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат, белгиланган тартибда тўловларини тўлаганлигини тасдиқловчи ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни олиб юриши шарт;
- 5.2 Мазкур шартнома шартларига, савдо комплекси қоидаларига ва бошқа қонун ҳужжатлари нормаларига риоя этиш;
- 5.3 Факатгина ўзининг кўчмас мулки ҳудуди доирасида савдо фаолиятини амалга ошириш;
- 5.4 Савдо ўринларини тоза ва озода тутиш, савдо дўконига шикаст етказмаслик, унинг конструкциясига ижарага бевуқчининг розилигисиз ўзгартириш киритмаслик;
- 5.5 Савдо комплекси маъмурияти ва бошқа назорат қилувчи органларнинг қонуний талабларини бажариш;
- 5.6 Техника ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш, сув, газ ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш, газ, сув ва электр энергияси қурилмалари тизимини ўзбошимчалик билан қайта жиҳозлаш, таъмирлашга йўл қуймаслик;
- "Хизматлардан фойдаланувчи" маъсулиятсизлиги натижасида ёнгин ёки бошқа фавкулотда ҳолатлар содир бўлганда қурилган моддий ва маънавий зарарлар бўйича зарарни қоплашни ўз зиммасига олади;
- 5.7 Содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар натижасида қуриш мумкин булган маънавий ва моддий зарарларни қоплаш чораларини қуриш мақсадида ўзининг кўчмас мулкини сугурталашлари лозим;
- 5.8 Фавкулотда ҳолатлар содир бўлганда эвакуация қилишда тусиқлар бўлмаслиги учун дўконлар оралиғида жойлашган йўлақларда эркин ҳаракат қилиш имкониятларини белгилашга зарур.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 6.1. "Хизматлардан фойдаланувчи" кўрсатилган хизматлар учун тўловини белгиланган мuddатда ва миқдорда амалга оширмаса, қолган тўловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун 0,4 фоиз пеня тулайди бироқ пеня миқдори тўланмаган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги зарур.
- 6.2. "Хизматлардан фойдаланувчи" томонидан электр энергияси тўловларини ўз вақтида тўлаб бориlmаса, бу борда ўзи мустақил жавобгар бўлади.
- 6.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларга мувофиқ тартибга солинади.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР.

7.1. Вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ савдо комплексларида кўрсатилган хизматларнинг миқдорлари ўзгарган тақдирда, шартнома шартларига тегишли тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади ва шартнома баҳоси ўзгаради. Мазкур ҳолатда тарафлар ўртасида тузилган шартномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг бир нусхаси "Хизматлардан фойдаланувчи" га тақдим этилади.

## 8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ:

- 8.1. Томонлар ўртасидаги низолар ҳар иккала томон ўртасида келишув йўли билан ҳал этилади.
- 8.2. Низоларни келишув (музокара) йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий баъзаси тўғрисида» ги Қонун ва тарафлар ўртасида тузилган шартнома шартлари асосида Қармана туманлараро иқтисодий судида ёки Фуқаролик ишлари бўйича Қармана туманлараро судларида қуриб чиқилади.

## 9. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

- 9.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб тарафлар томонидан имзоланган вақтдан бошлаб юридик қучга эга ва тарафлар учун бажарилиши мажбурийдир.
- 9.2. Мазкур шартнома, «16» 01 2022 йилдан бошлаб «31» 12 2022 гача амалда бўлади.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизити.

«Ижарага берувчи»  
«Навоий савдо комплекси» АЖ

№р 202 100 001 042 888 790 01

Ўзсаноатқурилиш банк Навоий ш

М.Ф.О 00207

ИНН- 204718362

Тел: 770-24-45

Бош директор  А.А.Турсунов

Бош ҳисобчи

Ҳуқуқшунос

Хизмат назоратчиси



«Ижарага олувчи»

ATB "Qishloq Qurilish Bank"

Navoiy mintaqaviy filiali

Manzil: Navoiy shahar

G'alaba shoh ko chasi - 149 A uy

Bank: XR 1610300000000202001

MFO 00202

ИНН: INN 200007317

Тел: OKONX : 96120

Telefon: 0-436-770-27-87

Fax: 0-436-770 27-89

